

Адабиёт хар бир миллатнинг хисли кўнгул тарихининг энг коронгу хоналарида маишат (тирикчилик)нинг кетишига караб хар хил тусда ва рангда етишган, файзли тил бирла такдир этула олмайдиргон бир гулдир. Ушбу яшадигимиз мухит доирасинда анинг тўлкуни одамнинг хар хил маишатига караб ўзгарадир.

Хар синф, халкнинг ўзига махсус оханги, ўзига таъсир киладургон зори бўлур. Мана шул мухит бўшлигинда бўлган катъий тўлкуннинг бир-бирига бирлашмагидан хар одамга хар хил шодлик ва ё кўб аччик таъсир этмагидан одамнинг кўнглида ўзи билмасдан ўрнашуб колгон ва хар вақт, умрининг охирига қадар сакланатургон кайгуланмак ва ё кўкрак кериб кўб дам олурдай ох урмаклар — ҳамаси кўнгилда хар хил рангда, хар хил кайфиятда тўлуб ёткон адабиёт хосасиндан саналур. Киши баъзи вақтда шодликдан кулур ва баъзи вақтда кўз ёшин тўкуб йиглар, ох тортар. Одамнинг мундог хар хил кайфиятга кируб турмоги ўз ихтиёри нла бўлмай, балки маишати йўлида хар вақт учраб турадургон фалокатнинг анга баъзи вақтда зулм кўрсатмоги ва баъзи вақтда бир яхшилик кўрсатуб суюндирмогидин келуб — яхши кўрганда суюниб, ёмонлик кўрганда йиглаб — шундог бўлуб икки турли ўзгаруб турар, баъзи вақтда фалак бир одамни кайгуга солар, ул ўзи тушуниб, ўйлаб туруб, ох тортуб йиглар. Бу хасратларни ўз ичига сигдиролмас. Бировга айтса, «Вой бечора» деюрмукин, деб ўз кайгусини бировга айтмакка тилар. Тўп тўгри айтганда у қадар таъсир килмас. Адабиёт ила айтганда албатта таъсир килар. Менинг бир ошнамнинг ўлдиги хабари келар. Мен ҳеч хафаланмайман. Бир вақтда мактуб келар, мактубда аларнинг кўрган кунлари адабиёт ила бундай ёзилур:

Гуллар била пок кайгули махзун боқурди Кўз ёшларимиз тўхтамай тун-кун оқурди.

Мана шуни ўқуб албатта бир таъсир ила аларнинг кайгусига кўшулурмиз. Бир бола ухламаса алла айтарлар. Бола тез ухлаб кетар. Чунки ул андин бир лаззат хис кулур. Эски боболарининг бир маъшука учун Кошгар тарафларига яёв борганини ва йўлда ўгрилар тарафидан ўлтурулгани гоят яхши оханг билан айтилар. Ул вақтда бола таъсиридан ухлаб кетар. Шунга ўхшаш ўзининг шавкат ва гайрати ила замонасида бутун дунёни хавор ва дахшатга солгон жахонгирларнинг ўтказган кунларин ва даврларин тарихларда кўрса ва эшитса хар киши юрагида бир ботирлик ва бир фидокорлик хис этар ва қахрамонона умидларда бўлину.

Мана шундай қахрамонона умид, қахрамонона хис ва қахрамонона гайрат —барчалари

тарихий адабиётнинг натижасидан бошка нарсас эмасдир. Хеч тўхтамасдан ҳаракат қилуб тургон вужудимизга, танимизга сув-хаво не қадар зарур бўлса, маишат йўлида ҳар хил қора қирлар ила қирланган руҳимиз учун ҳам шу қадар адабиёт керакдир. Адабиёт яшаса — миллат яшар. Адабиёти ўлмагон ва адабиётнинг тараккийсига чалишмаган ва адиблар етишдирмагон миллат охири бир кун ҳиссиётдан, ўйдан, фикрдан маҳрум қолуб, секин-секин инкироз бўлур. Муни инкор қилиб бўлмас. Инкор қилгон миллат ўзини инкирозда эканун билдирур.

Биздан бошка миллатларга кўз солсак кўрамызки, аларнинг олти ёшдан олтимиш яшар қариларина қадар адабиётдан бир лаззат олуб охир умрига қадар адабиёт ўқуб эшитмакни вазифаи миллиясидан ҳисоб қилур. Мана шунинг учундирки, Оврупонинг ҳар шаҳар ва қишлоқларида ҳар кун, ҳар ҳафта адабиёт кечалари қилинур, адабиёт ўқилур, нутқ сўйлануб халқ кўб қируб таъсирланурлар. Мана тотор қардошларимиз йилда бир дафъа бўлса ҳам шаҳар ва қишлоқларида «Адабиёт кечалари» қилуб халқга руҳ беруб кўб олқишлар, офаринлар олдиғини газеталардан ўқуб турмакдамыз. Бизлар эса қадар адабиётдан лаззат олмак бир тарафда турсун, ҳатто боболаримиз ва болҳоса «Ислом маданияти» қамонинда қатта рўл ўйнагон ва аларнинг маишатларин қўрсатган таърих умумийларни ўқуб англамоқдин ҳам кўб йирок турамыз.

Бизни уламо ва эшонларимиз тўн қиймақдан, ақомларимиз қойхоналарга қиқуб қой ичмақдан ва зиёлиларимиз эса Оврупо қийумлиқларидан ва қийматлиқ папирусларидан лаззат олурларки, «адабиёт нима?» десанг, қавобида юқорида айтилганча «яъни, масалан»дан бошка қавоблари йўқдир. Мана шунинг учундирки, қундан-қунга руҳимиз тушуб, қеладиргон истикқолимизга умидсиз қараб, бошка миллатлар қабил шод ва умидли яшамаймыз ва бизда шодлиқ ва руҳ бўлмагани учун бир ишни қиламыз деб энди ўйлаганимызда ўй йўқ — фикрлар қочилуб, ақлларимиз қаришон бўлуб қетар.

Адабиёт қин маъноси ила ўлган, сўнган қаралган, ўчган, қарадор қўнғилга руҳ бермак учун, қақат вужудимизга эмас, қонларимизга қадар синғишган қора балқиларни тозалайдиргон, ўтқур юрак қирларини ювадургон тоза маърифат суви, қиралашган ойналаримизни ёруғ ва равшан қеладиргон, қанг ва тупроғлар тўлган қўзларимизни артуб тозалайдиргон булоқ суви бўлгонлиқдан бизга қоят керакдир.

Энди, эй, қардошлар! Адабиёт ўқуйлиқ. Адиблар етишдирайлуқ, «адабиёт кечалари» ясайлуқ. Руҳ, ҳис, туйғу, фикр, онг ва ўй олайлуқ, билайлуқ. Ақарда «баёз» ва бемаъни бир-иқки дона қитоблар ила қолсак, маҳву инкирозий бўлурмыз. Юрағимиз қундан-қун тошдан ҳам қаттиғ бўлур. Юракни эритайлуқ, руҳ берайлуқ, инкироз бўлмайлуқ. Меним бу ожизона фикрима қўшилтургонлар бўлса адабиётнинг фойдаси тўғрусинда «Оина»

ва «Садо»ларимизга тарихий ва адабий макола ва шеърлар ёзсунлар, китоблар тартиб берсунлар. Хозирда бизга бирдан-бир лозим бўлгон нарсаси — адабиёт, адабиёт, адабиёт...

Адабиёт надир? — «Садои Туркистон» газетасининг 1914 йил 4 июнь сонидан босилган.

Хавор — асоратга солмок, эзмок.

Болхоса — хусусан.

Баёз — асримиз бошларида юртимизда кенг тарқалган шеърини мажмуалар назарда тутилади. Баёз — бирор шоир томонидан тарқиб берилган шеърини тўпламларнинг бир тури. Масалан, «Баёзи Хазиний», «Баёзи Камий»...

«*Оина ва садоларимизга*» — 1913—1917 йиллар орасида Самарқандда жадидларнинг маънавий отаси Махмудхўжа Бехбудий муҳаррирлигида чиқиб турган «Оина» журнали ва «Садои Туркистон» ҳамда «Садои Фаргона» газеталари назарда тутилмоқда.